УЛУҒ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 60 (18.836). • Пайшанба, 8 март 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси

7 март куни Москвада, Союзлар уйида Марказий сайлов комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлди.

Комиссия раиси Г. М. Марковнинг таклифига биноан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг мандат комиссияларига барча сайлов округлари бўйича тегишли ҳужжатларни топшириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг иш ҳужжатларини СССР Олий Совети Президиумига топшириш тўғрисидаги қарор ҳам қабул қилинди.

Г. М. Марков иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар сайлов комиссияларига, округ ва участка сайлов комиссияларига, СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда қатнашган барча активларга Марказий сайлов комиссияси номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

(ТАСС).

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!

Ватанимизнинг шонли қизлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сизларни халқаро хотин-қизлар куни — бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг интернационал бирдамлик куни билан астойдил табриклайди ва самимий қутлайди!

8 март — энг порлоқ ва қувончли байрамларимиздан биридир. У ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир оилага баҳор билан бирга кириб келади. Социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги илҳомбахш, тинимсиз ишлари учун хотин-қизларга бутун мамлакат сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этади.

Бу йил халқаро хотин-қизлар куни совет халқининг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати вазиятида нишонланмоқда. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов социалистик демократиянинг буюк ҳаётий кучини, меҳнаткашлар Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини яққол намойиш қилди. Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, совет кишиларининг онглилиги, уюшқоқлиги Юрий Владимирович Андропов билан видолашув кунларида яққол намоён бўлди. Совет кишилари партия билан халқнинг қатъий ва изчил равишда Ленин йўлидан бораверишга қилган азму қарорини изҳор этган КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунларини якдиллик билан маъқулладилар.

Совет хотин-қизлари — халқимиз ижодкорлик меҳнатининг тўла ҳуқуқли қатнашчиларидир, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг бунёдкорларидир. Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг кенг миқёсли вазифалари ҳал этилаётган, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасидаги қизғин ишлар давом этаётган ҳозирги пайтда хотин-қизларнинг роли буюк ва масъулиятлидир. Шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткаш аёллар партиянинг даъватига жавобан 1984 йил планини ва умуман беш йилликни тўла ҳамда ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Экономиканинг ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, фан ва техникани янада тараққий эттириш кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг омилкорлигига, куч-ғайратига, истеъдодига, касб маҳоратига боғлиқ. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари социалистик Ватан бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ўз кучлари ва билимларини аямай сарфлай беришларига КПСС Марказий Комитети аминдир.

Коммунистик партия давлат ва жамоат ишларини идора қилишда хотин-қизлар тобора актив қатнашишлари ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Бўлиб ўтган сайловда халқ ўзининг энг яхши қизларини мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органига сайлади. Депутатларнинг учдан бири хотин-қизлардир. Миллион-миллион хотин-қизлар маҳаллий советларда, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида самарали ишламоқдалар, уларнинг кўплари корхоналарга, совхозларга, колхозларга ва муассасаларга бошчилик қилмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси совет турмуш тарзи афзалликларининг, социалистик тузумимиз чинакам демократизмининг яққол далилидир.

Биз меҳрибон оналарга чуқур ҳурмат туйғуси билан мурожаат этамиз. Сизлар фарзандларни социалистик Ватаннинг онгли, меҳнатсевар гражданлари қилиб вояга етказяпсизлар, ёшларни юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаяпсизлар. Ёш авлоднинг биринчи мураббияси бўлган бебаҳо олижаноб меҳнатингиз учун бутун халқ номидан Сизларга раҳмат айтамиз!

Совет хотин-қизларининг истиқболга ишончи комил. Капитализм шароитида хотин-қизларга доимий таҳлика солиб турадиган ишсизлик ва бошқа социал кулфатлар сизларга хавф солмайди. Аёллар, болалар, оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш — социалистик жамиятнинг қонунидир. Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга оид тадбирлар муттасил амалга оширилмоқда, уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда, болалар боғча ва яслилари, соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кенгайтирилмоқда. Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ қилиниши ёш ўринбосарларга таълим ва тарбия бериш, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳурматли хотин-қизлар!

Планетамиз таҳликали даврни бошдан кечирмоқда. Агрессив империалист доираларнинг айби билан халқаро вазият ғоят кескинлашиб кетди. Мана шундай шароитда Совет Иттифоқи сабр-матонат ва сергаклик кўрсатмоқда, тинчликни сақлаб қолиш, инсоният боши узра пайдо бўлган ядро уруши хавфининг олдини олиш учун зарур ҳамма чораларни кўрмоқда. Совет хотин-қизлари тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Улар социалистик мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизлари билан биргаликда империалистик уруш оловини ёқувчиларга қатъиян қарши чиқмоқдалар, уларнинг авантюрачилик сиёсатини ғазаб билан қораламоқдалар. Сизларнинг тинчликни ҳимоя қилувчи овозингиз бундан ҳам баландроқ янграйверсин! Планетанинг осмони беғубор бўлсин ва қуёш нур сочиб тураверсин!

Азиз хотин-қизлар!

Шу байрам кунида КПСС Марказий Комитети Сизларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда, ижодда, болаларни тарбиялашда янгидан янги муваффақиятлар тилайди! Сизларга ва оилаларингизга бахт-иқбол ёр бўлсин!

Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Қардош социалистик мамлакатларнинг хотин-қизларига қизғин салом!

Яшасин бутун дунёнинг меҳнаткаш хотин-қизлари!

Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, равнақ топаверсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқди. Сайлов якунлари меҳнаткашлар, совет жамиятининг барча табақалари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг Коммунистик партия сиёсатини, халқнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифода этувчи сайлов платформасини ёппасига қўллаб-қувватлаётганликларининг ёрқин далили эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳамма жойда сайлов меҳнаткашларнинг юксак сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Марказда ва жойларда партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, кўп миллионли жамоат активи сайловни ташкил этиш борасида катта ва самарали ишларни бажардилар.

Бўлиб ўтган сайлов совет халқининг Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида чамбарчас жипслашганлигини яна бир бор яққол намойиш этди. Овоз беришда мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Сайловчилар КПСС ҳамда Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қизғин маъқуллаб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини бундан буён ҳам кучайтиришга, ўзларининг умумхалқ давлати ишларида, социалистик демократияни янада чуқурлаштиришда актив иштирок этишга азму қарор берганликларини билдирдилар. Кўрсатилган номзодларнинг якдиллик билан сайланганлиги, мамлакатдаги барча миллат ва элатлардан, жамият барча социал группаларидан кенг кўламда вакил бўлган депутатлар составининг ўзи СССР Олий Советининг самарали ишлаши учун, унинг давлат ҳокимияти олий органи сифатидаги кўп қиррали функцияларини бажариш учун қулай шароитлар яратади.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, эндиликда партия сайлов кампанияси, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давомида илгари сурган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш биринчи ўринга қўйилиши керак. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, уюшқоқлик ва интизомни кучайтиришга, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришга, совет кишиларининг ошган моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондиришга, сайловчиларнинг наказларини, гражданларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини рўёбга чиқаришга ғоят зўр эътибор бериш зарур. Булар муттасил ва сабот билан бажарилиши лозим. Социалистик демократиянинг — ишлаётган, амалдаги демократиянинг моҳияти мана шундадир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партиядаги ҳисобот ва сайловларнинг асосий якунлари ҳамда партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко партия Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумида сўзлаган нутқида, унинг сайловчилар билан учрашувдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосидаги вазифалари муҳокама этилди. Ўтган ҳисобот сайлов кампанияси катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Бу кампания коммунистларнинг юксак даражадаги онглилиги ва активлигини, партиянинг КПСС Марказий Комитети теварагидаги бирлиги ва жипслигини кўрсатди. Ҳисобот-сайлов кампанияси КПССнинг 1,6 миллион партия группаси, цех ва бошланғич ташкилотини, 4,6 мингта район, шаҳар, округ, область ва ўлка ташкилотларини қамраб олди. Партия йиғилишлари ва конференциялари коммунистларнинг ғоят талабчанлиги, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди. Йиғилиш ва конференцияларда 3 миллиондан кўпроқ фикр-мулоҳазалар ва таклифлар айтилди. Сайлаб қўйиладиган партия органларининг состави янгиланганлиги, бу составлар янги кучлар билан тўлдирилганлиги ҳисобот-сайлов кампаниясининг муҳим якуни бўлди.

Сиёсий бюро шуни уқтириб ўтдики, ҳар бир комитет, ҳар бир партия ташкилоти ҳисобот-сайлов кампанияси якунларидан амалий хулосалар чиқариши, уларни жорий ва перспектив иш планларига асос қилиб олиши, қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши лозим. Бунда реал ва салмоқли натижаларга сабот билан эришиш муҳимдир. Партия раҳбар кадрларнинг етуклигига ҳам, меҳнат коллективларининг ишига ҳам, республикалар, областларнинг, халқ хўжалиги барча тармоқларининг ютуқларига ҳам айни ана шу натижаларга қараб баҳо беради.

Маҳаллий партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари олдига экономикага раҳбарликни яхшилаш, резервлардан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида конкрет вазифалар қўйилди. Иш натижалари учун корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтириш борасидаги иқтисодий эксперимент боришини кун сайин назорат этиб туриш, социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишни таъминлаш, совет кишилари меҳнат ва турмушини яхшилаш масалаларини доимо диққат марказида тутиш, онгли интизомни ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш, ҳар бир коллективда белгиланган тартибнинг ҳар қандай бузилишларига муросасизлик вазиятини вужудга келтириш таклиф этилди.

Сиёсий бюро идеологик ишни ишлаб чиқариш ва тарбиядаги конкрет вазифаларни ҳал этиш билан маҳкамроқ боғлаш, меҳнат коллективларининг сиёсий-маънавий ҳолати учун раҳбар кадрлар, барча коммунистлар масъулиятини ошириш зарурлигини уқтирди. Партия активи ўқишини яхшилашга, иш услуби ва методларини такомиллаштиришга, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини оширишга, коммунистлар ташаббускорлиги ва активлигини ҳамма чоралар билан ривожлантиришга жиддий эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитети қарорининг тексти матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

ВАТАН ЎЗ ҚИЗЛАРИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ — 8 МАРТГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

МОСКВА —

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлиги ва бирдамлиги тимсолидир. Коммунизм актив бунёдкорлари, партия XXVI съезди тарихий қарорларини бажаришга чинакам улкан ҳисса қўшаётган совет хотин-қизлари бу кунни баҳор ва меҳнат байрами, деб атайдилар.

Бу галги байрамни бутун мамлакат партия билан халқнинг метиндек жипслашуви вазиятида, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленуми қарорлари юзага келтирган ғайрат-шижоат вазиятида кутиб олмоқда. СССР Олий Советига куни кеча ўтказилган сайловнинг якунлари ютуқларимиз учун, социалистик демократия учун ифтихор туйғусини кучайтирмоқда. Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлмиш хотин-қизлар мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органида муносиб равишда вакиллик қилмоқдалар. Халқнинг юксак ишончига сазовор бўлган бу вакиллар давлат ишларида бевосита қатнашмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленумидаги ва сайловчилар билан учрашувидаги нутқларида ўртага қўйган вазифаларни жанговар ҳаракат программаси деб қабул этдилар.

7 март куни ССР Иттифоқи Большой театрида Москва партия, совет ва жамоат ташкилотлари намояндаларининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳозир бўлган кишилар К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия , совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳам президиумдан жой оладилар.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева партия Марказий Комитетининг совет хотин-қизларига табрикномасини ўқиб эшиттирди, табрикнома давомли қарсаклар билан кутиб олинди. У совет хотин-қизларининг халқ хўжалигидаги меҳнатига, уларнинг давлат ва жамоат фаолиятидаги иштирокига берилган юксак баҳо учун, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси совет халқининг фаровонлигини ошириш ҳақида, мамлакатимиз хотин-қизлари тўғрисида қилаётган зўр ғамхўрлиги учун партия Марказий Комитетига астойдил ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йил 2 мартда Москва шаҳри Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашувида сўзлаган нутқини ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб босмадан чиқарди.

Китобча кўп нусхада нашр этилди. (ЎзТАГ).

К. У. ЧЕРНЕНКОга СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНЛИК ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Советига сайлов Коммунистик партия билан халқ бузилмас бирлигининг, социалистик демократия тантанасининг, совет кишилари Коммунистик партиянинг Ватанни янада равнақ топтириш, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган йўлига содиқ эканликларининг янги далили бўлиб қолди.

7 март куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненкога ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати этиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилди.

Гувоҳномани СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказган Куйбишев сайлов округи округ сайлов комиссиясининг раиси Ю. И. Калинин топширди.

Ўртоқ К. У. Черненко СССР Олий Советининг депутати этиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳномани қабул қила туриб, ўзига кўрсатилган катта ишонч учун ҳамда мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг депутати этиб сайланишдек шараф учун пойтахт Куйбишев сайлов округининг сайловчиларига, барча москваликларга чуқур ва самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Ўртоқ К. У. Черненко депутат сифатида сайловчиларнинг наказларини бажариш, партия ва халқ ишига, коммунизм идеалларига садоқат билан хизмат қилиш учун бутун кучимни сарфлайман, деб ишонтирди. Совет кишилари, деди К. У. Черненко, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб, Коммунистик партиянинг коммунистик бунёдкорлик иши тантанаси йўлидаги ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Гувоҳномани топшириш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Прибитков, Москва шаҳар Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Куйбишев район ижроия комитетининг раиси Г. Н. Гаврилов ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ВАТАН ЎЗ ҚИЗЛАРИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

Биз Совет ҳокимияти хотин-қизларга нималар бергани ҳақида гапирганимизда, деди ўз нутқида Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиумининг раиси З. М. Круглова, бизнинг кўз ўнгимизда ҳозирги хотин-қизлар, ишлаб чиқариш новаторлари, олимлар, академиклар, шоирлар, геологлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги энг йирик участкаларининг раҳбарлари, таниқли партия, давлат, жамоат арбоблари гавдаланади. Жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳаларида — экономика, сиёсат, фан, маданият соҳаларида биз, хотин-қизларнинг зўр ҳиссасини кўрамиз. Улар социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида Ленин васиятларини ижодий равишда рўёбга чиқармоқдалар.

Биздаги оналарга алоҳида меҳрибонлик, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Мамлакатда оналик бахтини ижтимоий меҳнатда хотин-қизларнинг актив қатнашиш қувончи билан бирга қўшиш учун жуда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Ривожланган социализм шароитида социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, янги инсонни вояга етказиш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун янги имкониятлар юзага келмоқда. Бу босқичда совет аёлининг социал қиёфаси ҳам анча яққол намоён бўлмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, айниқса, юксак даражада механизациялашган ва автоматлашган тармоқларда хотин-қизларнинг малакали меҳнатидан фойдаланиш чегаралари кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнатнинг сифати ўзгармоқда, бу соҳадаги дипломли мутахассисларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи хотин-қизлардир.

Етук социализм шароитида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш системасини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммасига кенг миқёсда комплекс ёндашиш амалга оширилмоқда. Жамоатчиликнинг ҳам бутун диққат-эътибори шу масалаларга қаратилган. СССР Олий Советидан тортиб, маҳаллий ҳокимият органларигача — барча поғоналарда хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялар тузилганлиги муҳим тадбир бўлди.

Совет хотин-қизлари Ватаннинг катта ғамхўрлигига чуқур миннатдорчилик билан жавоб бериб, партия сиёсатини амалга ошириш учун кучларини аямаяптилар, ўзларига хос шавкатли меҳнат қилиш, халқ мулкини тежаб-тергаб асраш, юксак интизом, уюшқоқлик ва масъулият намуналарини кўрсатмоқдалар.

Мамлакат уларнинг меҳнатдаги ишларини юксак қадрлайди. Ҳалол меҳнат учун бериладиган давлат мукофотининг учдан бир қисмини хотин-қизлар олмоқдалар. Ватаннинг икки миллионга яқин энг яхши қизлари орден ва медаллар билан мукофотланган, 5 мингдан ортиқ киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти лауреатлари бўлган хотин-қизларнинг сони 1000 кишига яқинлашиб қолди.

Советлар мамлакатининг хотин-қизлари тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Тинчлик бўлмаса, уларнинг фарзандлари бахтли келажагини ҳам таъминлаб бўлмайди, деб таъкидлади З. М. Круглова, шу билан бирга у Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг фаолиятини таърифлаб берди.

Урушга тайёргарлик программалари капиталистик мамлакатлардаги хотин-қизларнинг камситилишини баттар кучайтиряпти. Қуролланиш пойгаси меҳнаткашларнинг гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда. Жаҳон ҳукмронлигига интилаётган АҚШ ва НАТО мамлакатларининг агрессив империалист кучлари ажал келтирувчи ядро қуролининг янги-янги турларини яратмоқдалар ва ишлаб чиқармоқдалар. Ядро қуроли ишлатилмаслик учун ҳамма ишни қилиш, жаҳон узра пайдо бўлган хавф-хатарни тугатиш, ҳаётнинг ўзини ҳимоя қилиб қолишдан иборат ҳозирги энг муҳим вазифа мана шундан келиб чиқади.

Турли мамлакатлардаги миллион-миллион хотин-қизлар ядро урушининг даф қилиниши уларнинг қатъиятига, сабот-матонатига, уларнинг тинчлик учун курашдаги жипслигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканига ишончлари комил.

Мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлаётган совет хотин-қизлари, деди пировардида З. М. Круглова, бу сиёсатни сабот билан амалга оширишга, ўз меҳнати билан совет Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганлар.

Москвалик пионерлар тантанали йиғилиш қатнашчиларини байрам билан табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига табрикнома йўллаб, Москва хотин-қизлари, барча меҳнаткашлари коммунизм идеалларининг тантанаси йўлида куч-қувватларини, ижодий ғайратларини аямайдилар, деб ваъда бердилар. (ТАСС).

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон меҳнаткашлари баҳор, оналик шуҳрати ва бахт-саодат байрами — 8 Мартни бутун совет халқи билан биргаликда тантанали равишда нишонламоқдалар. Шу куни барча касб ва ёшдаги кишилар Ватаннинг ажойиб қизларини шарафлайдилар, уларнинг социалистик Ватан олдидаги хизматларига, экономика ва маданиятни ривожлантиришга, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари тарихий қарорларини рўёбга чиқаришга қўшаётган бебаҳо ҳиссаларига офарин айтадилар.

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб 7 март куни Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта опера ва балет театрининг байрамона безатилган залига ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари келишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонованинг докладида, Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи электр слесарларининг бригадири Н. М. Железновнинг, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг, 162-мактаб муаллимаси, Қаҳрамон она Қ. Мақсудованинг, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти Е. М. Лушконинг нутқларида коммунизм қурилишида актив қатнашаётган совет хотин-қизларининг ҳавас қилса арзийдиган тақдири ҳақида, уларнинг мамлакат ижтимоий турмушидаги, ёш авлодни тарбиялашдаги катта роли тўғрисида гапирилди.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати, деб таъкидлашди нотиқлар, хотин-қизлар ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар, уларнинг истеъдоди, ташкилотчилик қобилиятини намоён қилишлари учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. СССР Олий Советига сайлов даврида хотин-қизларнинг жамиятдаги юксак мавқеи яна бир бор яққол кўрсатилди. Сайловда мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига халқ хўжалиги турли тармоқларида меҳнат қилаётган кўпгина хотин-қизлар сайланди.

Социалистик Ватаннинг қизлари бунга жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ленин партиясига садоқатли хизматларини аямаяптилар. Ўзбекистоннинг юз минглаб ишлаб чиқариш ходималари Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб муносиб ишлар қилмоқдалар.

Йиғилишга келган пионерлар ўз оналари, бувилари, опаларини самимий табрикладилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КОСМОС КАШШОФИ ШАРАФИГА

7 март куни комсомол ташкилотларининг вакиллари ва совет авиациясининг ветеранлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инсоният тарихида биринчи космонавт Юрий Алексеевич Гагарин туғилган куннинг 50 йиллиги арафасида Тошкентда унга ўрнатилган ҳайкал пойига гуллар қўйишди. Улар шу куни республика пойтахтида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан бошланган гагаринхонликда қатнашдилар.

Ю. А. Гагариннинг ёрқин ҳаёти ва ўлмас жасорати ҳамиша социалистик Ватанга астойдил хизмат қилиш намунаси бўлиб, совет ёшларини севикли Ватаннинг равнақи, инсониятнинг тараққиёти учун янги-янги зафарларга руҳлантиради.

(ЎзТАГ).

Коммунистик партия давлат ва жамоат ишларини идора қилишда хотин-қизлар тобора актив қатнашишлари ҳақида ғамхўрлик қилмоқда

МАРТ

ЗАМОНДОШ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Суҳбатимиз қовушавермади. «Киши ўзи ҳақида гапириши анча қийин, — суҳбатдошим пайваста қошларини чимириб, бир нуқтага узоқ тикилиб қолди. — Билмадим, яна...».

Мунаввара ўқитувчилар оиласида вояга етди. Нурмуҳаммад ака билан Раҳима опа икки қизини еру кўкка ишонмай ўстиришди. Мунаввара ёшлигидан жамоат ишларини жон-дили билан бажариб чиниқа бошлади. Комсомол, кейинроқ партия ташкилоти топшириқларини бажариб, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашди. Қишлоқ хўнар-техника билим юрти директори эди, механизатор кадрлар тайёрлашга бош-қош эди. Шу орада уни Нурота район партия комитетининг секретарлигига сайлашди. Энди у катта қозонда қайнаб, бутун бир район тақдири ҳақида қайғурувчи, унинг истиқболини ўйлаб иш кўрувчи коммунистлар даврасида меҳнат қила бошлади.

Изтироб ва қувонч. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳамма ерда бўлганидек Нуротада ҳам қурғоқчилик билан бошланди. Ўша энг оғир май кунларининг бирида — қўзилатиш эндигина поёнига етиб, отарларни яйловга ҳайдаш керак бўлган, қўй-қўзилар яшил майса ўрнига тупроқ ялаган кезлар Мунаввара Курбоновани район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайлашди.

— Ғоят қийин кезлар эди,— дея эслайди ўша кунларни Қурбонова. — Эсимда, дастлабки кунларнинг бирида «Ғозғон» совхозига бордим. Бош чўпон Шабоной Очилова отарида бўлдим. Ана ўшанда бу кўклам чорвага нечоғли оғир келганлигини яққол ҳис этдим.

СЕКРЕТАРНИНГ ИШ КУНЛАРИ

Шабоной Очилова меҳнаткаш чўпонлардан. Турмуш ўртоғи Ҳусан ака, қизи Амина билан яйловма-яйлов кезиб, қўй-қўзи боқади. У райком секретарини кўзларида ёш билан қарши олди. «Биласиз, илгарилари ҳар юз совлиқдан 180, ҳатто 200 бошга етказиб қўзи олардим,— деди кўз ёшларини артиб.— Бу йилги аҳволни қаранг. Мана энди ҳар юзига бир юз бир қўзи билан қолдим. Ич-этим ўртаниб, ёниб бўлдику?». Ўшанда Шабоной отарида 780 совлиқ борлигини, унга анча-мунча қўзи қўшилиб қолганлигини айтиб, яйлов торлик қилиб қолди, деди. Бир томони қўйга сув ҳам йўқ...

Мунаввара Нурмуҳамедовна бош чўпоннинг ҳолатини чуқур ҳис этиб турар, бутун борлиғи билан унга ёрдам бериш иштиёқида эди. Суҳбатнинг охирида у:

— Сув бўлади,— деб Шабонойни ишонтирди.— Қудуқ қазиб, сув чиқариб берамиз. Электр линияси ҳам тортамиз.

Чўпонларнинг бир одати бор: вақти-вақтида райком секретари билан учрашиб, дардлашиб туриш эҳтиёжи кучли уларда. Бундай учрашувларда ўз мулоҳазаларини, эҳтиёжларини айтиб, ундан ёрдам кутишади. Ўшанда ҳам шундай бўлди. Мунаввара Нурмуҳамедовна ваъдасининг устидан чиқди. Тез орада бу отарга электр линияси тортилди. Қудуқ қазилиб, сув чиқарилди.

Ўша кезларда фақат «Ғозғон»дагина эмас, «Нурота», «Қизилча», Ленин номли, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозларининг кўпгина бўлимларида аҳвол шундай эди. Район партия комитети бутун кучини қўй-қўзиларни нобуд қилмай сақлаб қолишга қаратди.

— Ўша ялпи сафарбарлик туфайли 1983 йили район бўйича ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи олдик. «Нурота», «Қизилча» совхозларида айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Гўшт, қоракўл тери, жун топшириш планлари ортиғи билан бажарилди. Чорвадорларимизнинг ўша қаҳрамонона меҳнати муносиб тақдирланди. Нурота районн Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Чўпон таёғи. Мунаввара Нурмуҳамедовна яқинда яна Шабоной Очилованинг отарида бўлди. Бош чўпонни хурсанд ҳолда кўрди. Шабоной райком секретарини отардаги ишларнинг аҳволи билан таништириб, қўзи олиш кўнгилдагидек кетаётганлиги ҳақида қувона-қувона сўзлади. У қўра ёнидаги 10 гектарлик шудгорни ҳам кўрсатди. Ер текисланиб, жавдар сепишибди. Кўм-кўк майсалар кўклам ҳавосида селпиниб турибди. «Мана, ер очдик, Мунаввара опа,— дерди Шабоной қувончини ичига сиғдира олмай. — Бу — бизнинг қўриғимиз. Энди қўй-қўзиларга кўк беда ҳам бериб турамиз. Мевали дарахтлар экамиз. Яйловда олма, ўрик етиштирамиз. Ўз сабзавотимиз бўлади...».

Шабоной Очилова яйловида райком секретари яна бир қувончли янгиликни ҳам эшитди. Бош чўпоннинг иккинчи қизи ҳам ўнинчи синфни битириб, онаси ва опаси билан яйловга чиқиб меҳнат қила бошлабди. Олисда қўй-қўзиларни яйратиб юрган қизларига қараб, Шабоной:

— Энди кўнглим жойига тушди, билсангиз,— деди.— Мана иккинчи қизим ҳам чўпонлик касбини тутди. Адалари бирам хурсандки, қўяверасиз. Армиядан ўғлимиз келса, у ҳам чўпон таёғини тутади, албатта.

Район хўжаликларида бўлганида, Мунаввара Нурмуҳамедовна тез-тез мактабларга кириб туради, ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари била суҳбатлашади. Ҳамиша гап чўпонлик касбига бориб тақалади. Бундай суҳбатлардан кейин неча-неча навқирон қалбларда ота касбига иштиёқ уйғонади. Зумрад Қурбонова ҳам шу тарифа яйловга чиқиб, чўпонлар сафига қўшилганлардан. У қисқа вақт ичида ўз отарини кенгайтириб, қўй-қўзиларни кўпайтирди. Ўтган йили ҳар юз совлиқдан 160 бош қўзи олди. Мана, бу мавсумда ҳам унинг отарида қўзи олиш қизғин боряпти.

— Қизиқ-да, бу одамлар,— дейди Қурбонова ўйчан.— Кўнгли шундайки, борини қўш қўллаб элга тутса, давлатга топширса. Мана шу иштиёқда социалистик мусобақанинг қудратли кучи намоён бўлаётир.

«Бир таклиф бор». Бирор кун йўқки, райкомга улардан икки-уч киши кириб, ўз таклифини, мулоҳазасини билдирмасин. Кунларнинг бирида Нурота шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Мукаррама Шодиева кириб келди. Қўлида бир даста қоғоз. «Бу йил,— деди у,— республикамиз тўйи. Мана хотин-қизлар Совети, бошқа жамоат ташкилотлари юбилейга тайёргарлик тадбирларини тузиб чиқдик. Бахтимиз учун курашган оналаримиз, опаларимиз, оташин коммунистлар қанчадан қанча. Шулар билан учрашувлар, тантанали кечалар ташкил этсак».

Райком секретари ҳузурига бундай амалий таклифлар билан келувчилар оз эмас. Судья Муаззама Жуманазарова, маданият ходими Мушарраф Саидова, боғча мудираси Мушарраф Шокирова, ўқитувчи Ҳалима Жўраева... Эҳ-ҳе, ишбилармон, тадбиркор активлар озми?!. Райком секретари суянган тоғлар шулар. Мана ҳали ҳозиргина унинг ҳузуридан кутубхона мудираси Шарофат Рўзиева чиқиб кетди. У район кутубхоналарида китоб обороти камайиб кетаётганлиги ҳақида куйиб-пишиб гапирди. Демак, кутубхоналар кўпинча берк. «Кутубхоналарни бир кўздан кечириб чиқсак, опа,— деди Шарофатой сўзининг охирида.— Бир ёқда қўзилатиш мавсуми ҳам бошланди. Отарларга кўчма кутубхоналар чиқарсак».

Биринчи қадам. Ҳалима Жўраева мактабда ўқитувчи эди. Кейинроқ тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари қилиб тайинлашди. Ёш коммунист партия ташкилоти ишида фаол қатнаша бошлади. Мунаввара Нурмуҳамедовна у билан учрашиб қолганда бафуржа суҳбатлашар, ёш коммунистнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини ўрганарди. Охири, район партия комитетининг бюросида кадрлар масаласи кўриб чиқилаётганида, Қурбонова уни «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози партия ташкилоти секретарлигига тавсия қилди. Энди Ҳалиманинг ўзи бирор бир ишга бош қўшмаган, катта хўжаликнинг бирор тармоғи билан қизиқмаган кун йўқ. Яқинда совхоз партия комитети ибратли бир ташаббус бошлади. Партия комитети мажлисида «Ҳар бир бўлимда биттадан боғча очилсин», деб қарор қабул қилишди. Илгарилари хўжаликда болаларни мактабгача тарбия муассасасига тортиш бўйича энг паст кўрсаткич билан муроса қилиб келинарди. Ҳалима дастлабки кундан бошлаб бу масала билан жиддий шуғуллана бошлади. Бўлим идоралари қайта жиҳозланиб, боғчаларга айлантирилди, Папаной, Сувлиқ, Ёрма қишлоқларида бугун-эрта боғчалар очилади. Кеча Ҳалима райкомга келиб, бу тантанага таклиф қилиб кетди.

Бир хўжаликда бошланган ҳаракат бошқалар учун туртки бўлди. Орадан кўп ўтмай «Қизилча» совхози коммунистлари «Саксон процент болани боғчаларга тортамиз!» ташаббуси билан чиқди. Совхоз директори Мирзон Нурбоев бир куни кулиб шундай деди:

— Катта ҳам, кичик ҳам боғча деб қолди, Мунаввара Нурмуҳамедовна. Энди чинакамига ишга тушмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Меҳрибонлик кўрсатсангиз, болаларнинг меҳри сизга, демак, қишлоқ меҳнатига боғланади,— деди Қурбонова.— Шундай бўлгач, бўй етиши билан чор-атрофга тарқалиб кетишмайди.

Тонг. Тоғ чўққиларида оппоқ қорлар ярқираб, тонг ота бошлади. Бу хонадонда ҳамма бирор иш ёки ўқиш билан банд. Хонадон соҳиби Саидмурод ака барвақт туриб, ишига шошилади. Дилдора чойни дамлаб, дастурхон ёзаётганида ҳаммалари жамоат жам бўлишади. Йўқ, асли бу тўғри эмас. Чунки катта ўғил Алишер Самарқандда, ўқишда. Кичиги Нуриддин ҳам Тошкент университетида таҳсил кўрмоқда. Уларнинг кетидан эргашиб, бу йил Гулзора ҳам медицина институтининг тайёрлов курсига кирди. Ана Ғанишер шоша-пиша чойини ичиб, китоб-дафтарини қўлига оляпти. У ҳунар-техника билим юртида ўқийди. Қурувчи бўлмоқчи. Дилдора акасини ўқишга кузатиб қўяётганини зимдан кўздан кечириб ўтириб, Мунаввара Нурмуҳамедовна енгил нафас олди. Кийиниб, ташқарига чиқар экан: «Рўзғор қиладиган қизимиз Дилдора-да энди», — деб кулимсираганича машинага яқинлашди.

— Хайр, ойи,— деди Дилдора ёнма-ён келиб.— Ишга яхши бориб келинг.

Райкомда эса иш энди бошланмоқда эди. Коридор бўйлаб бориб, қабулхонага бурилаётганида, нариги томондан пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Қаҳрамон Мансуров илдам юриб келди. Қурбонова Мансуров билан саломлашиб, кабинетига кирди. Чамаси, Мансуровнинг шошилинч юмуши бор эканми, у ҳам изма-из хонага кириб келди.

— Хўш?— Қурбонова Мансуровга зимдан назар солди.

— Мунаввара Нурмуҳамедовна, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозининг тадбирлари тайёр. Ҳали бюрода кўриб чиқиладиган масала.

Бўлим мудири бир даста ҳужжатларни қолдириб чиқиб кетди. Қурбонова қоғозларни кўздан кечира бошлади. Бу йил совхоз коммунистлари жуда катта иш бошлашяпти. Совхоз марказида йирик боғча биноси қуришмоқчи. Ҳар бўлимда алоҳида боғча очишни мўлжаллашяпти. Совхоз меҳмонхонасини, идорасини, барча бўлимларнинг идораларини ҳам боғча биноси учун ажратишибди.

Эшик очилиб, кабинетга умумий бўлим мудири Ислом Имомович билан қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Эшбой Бўриновлар кириб келишди. Улар бюрода кўриладиган баъзи масалалар хусусида фикрлашиб олгани киришибди. Уларнинг мулоҳазаларини тинглаб ўтириб, Қурбонова район партия комитетининг аппаратига ишчан, тадбиркор кадрлар жамланганлигини мамнуният билан ўйларди. Райкомнинг иккинчи секретари Адис Орзиев ҳам, райком секретари Эгамқул Хўжақулов ҳам ишбилармон, малакали, ташаббускор кадрлар. Мана, Ислом Имомовични олинг. Партия ишида катта тажрибага эга. Кексайса ҳам чаққон, тартибли. Ҳар бир ишни пишиқ-пухта, аниқ бажаради.

— Мана шулар менинг қанотларим, — деб қўйди Қурбонова ўйчан.

Имомов ҳам, Бўринов ҳам ялт этиб райком секретарига қарашди. Мунаввара Нурмуҳамедовна майин табассум қилди. У мамнун эди. Иш куни ҳар кунгидек ишчанлик билан бошланаётганидан мамнун эди.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Навоий области.

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Москва—Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашув чоғида сўзлаган нутқида ўртоқ К. У. Черненко ҳозирги босқичда экономикани юксалтириш, совет кишиларининг янги авлодини камол топтириш, тинчликни сақлаш учун кураш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Редакцияга келаётган хат-хабарларда совет кишилари партия ва ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини ғоят қизғин маъқулламоқдалар. Ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга азму қарор этганликларини билдирмоқдалар.

БУТУН ЖАМИЯТНИНГ ИШИ

Мактаб иши, халқ маорифини ривожлантириш иши бутун жамиятнинг диққат-марказида турганлигини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко ўз нутқида алоҳида қониқиш билан кўрсатиб ўтди. Мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳа муҳокамаси чоғида бу айниқса ёрқин намоён бўлди. Умумхалқ муҳокамаси чиндан ҳам бизнинг жамиятда ҳар бир киши таълим-тарбияни ривожлантиришдан, уни янги сифат босқичига кўтаришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Мактабимиз ўқитувчилари сайловчилар билан учрашувда қўйилган вазифаларни меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилишда фаол қатнашмоқдалар. Ишчилар, хизматчилар даврасида ўтаётган суҳбатларда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш вазифалари аниқлаб олинмоқда. Мактабларга оталиқ қилишнинг янги вазифалари ва миқёслари белгилаб чиқилмоқда.

Бизнинг мактабимиз ҳам оталиқ ташкилотларининг ёрдамидан баҳраманд бўлиб, ўқув моддий базасини мустақил бойитиб бормоқда. Ҳозирги пайтда мактабимизда 2 мингдан зиёд ўқувчи билим олаётир. 90 га яқин ўқитувчи, тарбиячи уларга билим бермоқда, меҳнат кўникмасини ҳосил қилмоқда. Мактабимизда радиоузел ишлаб турибди.

Мактаб кинотеатри ташкил этилган. Ички телестудиямиз эшиттиришлари ҳам таълим-тарбия ишини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ўқувчиларимиз математика, физика фанларидан ўтказилаётган олимпиадаларда қувончли натижаларга эришмоқдалар.

В. ДАЧИНА,
Хўжайли шаҳридаги 18-мактабнинг тарих ўқитувчиси.

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида экономикани жадал ривожлантириш совет кишилари турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашнинг муҳим шарти эканлигини кўрсатиб ўтди.

Бизнинг қурилиш колоннамиз бинокорлари кўплаб уй-жой қуришдан иборат бош вазифани қизғин бажармоқдалар. Ёлғиз бизнинг бригадамиз аъзолари ўтган йили 120 минг сўм ўрнига 136,6 минг сўмлик пардозлов ишларини бажарди. Ҳамкасбларимдан Люба Макарова, Амина Мамбетовалар ўз касбига, меҳнатга онгли муносабат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Шу кунларда бригадамиз бинокорлари қўриқ ерларда ташкил этилган «Октябрь 60 йиллиги» совхозида қурилаётган уй-жойларда пардозлов-бўёқ ишларини бажармоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, биз план топшириқларини барвақт бажариш, объектларни барвақт фойдаланишга топшириш учун курашмоқдамиз. Айни кунларда «Олтиариқ» узумчилик совхозида ҳам уй-жой қурилишини жадал давом эттирмоқдамиз. Партия ва ҳукумат ғамхўрлигига жавобан биз меҳнат суръатини яна ҳам ошираверамиз. Қурилиш материалларини тежаб-тергаб сарфлаймиз. Ҳар бир объект яхши ва аъло баҳолар билан топширилишига эришамиз.

Э. ҲАСАНОВА,
Олтиариқ район колхозлараро кўчма механизациялашган қурилиш колоннасининг бўёқчиси.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ МЕҲНАТ ОДИМИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабарига кўра, республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1984 йил январь—февраль ойлари планини 101 процент бажарди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1983 йил январь—февраль ойларида эришилганига қараганда 5,1 процент ўсди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 102,4 процентни ташкил этди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 53 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноатида маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари январь—февраль ойлари планининг қандай бажарилганлиги қуйидагича бўлди:

	Планнинг бажарилиш проценти: маҳсулот реализация қилиш	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 1984 йил январь—февралида 1983 йил январь—февралига нисбатан процент ҳисобида
Ўзбекистон ССР	101	101	101	105,1
Жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	103	105	104	108,3
Андижон области	101	102	101	107,3
Бухоро области	103	102	103	103,0
Жиззах области	100,5	92	92	92,0
Қашқадарё области	101	102	100,6	104,6
Навоий области	94	99,5	99,2	112,4
Наманган области	103	103	103	104,4
Самарқанд области	102	102	103	105,3
Сурхондарё области	101	102	101	88,8
Сирдарё области	100,9	100,8	101	112,3
Тошкент области	100,3	99,0	99	102,9
Фарғона области	101	102	100,8	105,9
Хоразм области	105	109	109	100,3
Тошкент шаҳри	101	102	102	108,0

Кўмир, нефть ва газ қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш, компрессор, қоғоз, линолеум, чинни-фаянс идишлар тайёрлаш, пахта тойлаш, шойи, пайпоқ тўқиш, ўсимлик мойи, консерва тайёрлаш юзасидан 1984 йил январь—февраль плани ошириб бажарилди.

Навоий областининг, СССР Ўғит ишлаб чиқариш саноати министрлигининг, Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлигининг, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигининг, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлигининг, Рангли металлургия министрлигининг, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг, СССР Енгил саноат министрлигининг, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг, Қишлоқ қурилиши министрлигининг корхоналари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қурилиш конструкциялари ва ёғочсозлик бош бошқармасининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг корхоналари маҳсулот реализация қилиш январь—февраль ойлари планини бажармади.

Бир қанча корхоналар маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь—февраль плани бажарилишини таъминлай олмади. Улар план топшириғидан анча кам маҳсулот реализация қилди. Ангрен олтин қазиш кони, Самарқанд холодильниклар заводи, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкентвино» комбинати, Учтепа пахта заводи, Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқалар шу корхоналар жумласидандир.

Совет хотин-қизлари — халқимиз ижодкорлик меҳнатининг тўла ҳуқуқли қатнашчиларидир, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг бунёдкорларидир

МАРТ

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

Дилором ХУСАИНОВА, Элликқалъа районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхоз-техникумининг механизатори, СССР Олий Советининг депутати

Баҳор ва бахт байрами ҳар йили оиламиз даврасида алоҳида бир қувонч, ифтихор, бахтёрлик туйғулари билан нишонланади. Дастурхон устида озод меҳнатни эъзозлаш, бу кунлар учун жонини фидо қилган кекса авлод хотирасини ардоқлаш, халқимизнинг ажойиб анъаналарига садоқат тўғрисида гапирилади.

Бу йил оиламизга, қишлоғимизга байрам, қувонч қўша келди: кечагина ўтган сайловда чўлқуварлар менга — оддий механизаторга жуда катта ишонч билдиришиб, СССР Олий Советига депутатлигига сайлашди. Фақат бизнинг Советлар диёрида шундай бўлиши мумкин, фақат бизнинг ҳур замонамизда меҳнат кишиси шундай ҳурматга, эл-юрт эътирофига сазовор.

Кўпинча бугунги кунни ўтмишга қиёслаш учун: «Ким эдик?» «Ким бўлдик?» сингари саволларга жавоб излашга эҳтиёж сезамиз. Мен ҳам ўзимга шундай саволларни тез-тез бериб тураман. Негаки, бу саволларга бериладиган жавоблар кишида халқ олдидаги, она-Ватан олдидаги бурч ҳиссини оширади, ҳамиша бу кунларга муносиб яшашга, ишлашга ундайди.

Онламиз — механизаторлар оиласи. Отам механизатор. Шу туфайлими, ҳали мактабда ўқиб юрганимдаёқ, техникага ихлос қўйдим. Мактабни битиргач, механизаторлар курсида ўқидим. Ўша йиллари Элликқалъа массивини ўзлаштириш жадал тус олганди. Оиламиз билан чўлга кўчиб келдик.

Совхозда механизатор бўлиб ишлай бошладим. Турмуш қурдим. Ўртоғим Отаулла ҳам механизатор, курсда бирга ўқиганмиз. Энди бўлса чўлда бирга ишлай бошладик. Коммунистлар бир йиғилишда иккаламизни ҳам шонли Коммунистик партия сафига қабул қилишди. Ўтган мавсум оилавий экипаж бўлиб, 600 тоннага яқин пахта тердик. Фарзандларимиз Феруза, Нурилла, Қаҳрамон, Неъматиллалар ўсиб-улғайишяпти.

Меҳнат бизни улуғлаяпти, меҳнатда қадр-қиммат, обрў топяпмиз. Чўлни ўзлаштириб, Ватан хазинасига мўл «оқ олтин» тўкиб, бахт қучяпмиз. Шу меҳнат эвазига бугун «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондориман. Шу меҳнатимга ҳурмат кўрсатиб, 1980 йили жуда катта ишонч билан мени Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутатлигига сайлашди. Энди фақат далада ишлаш, мўл пахта етиштириш кифоя қилмай қолди. Жамоат ишларига ҳам вақт топишим, сайловчилар наказларини бажаришга ҳам улгуришим керак.

Бугун совхоз-техникумимиз марказини бутун бир шаҳарча дейсиз. Равон кўчалар, қатор уйлар, савдо, маиший хизмат корхоналари қурилди. Энг муҳими, чўлни ўзлаштириш жараёнида ҳар биримизда катта, улуғ мақсадни рўёбга чиқариш учун дахлдорлик туйғуси қучайди. Бу туйғу эришилган натижалар билан кифояланмасликка, доимо олға боришга, унумли меҳнат қилишга ундайди. Дастлабки йиллари чўлда 20—24 центнердан хирмон кўтаргандик. Ўтган йили ҳосилдорлик 37 центнерга етди. Шунинг эвазига бугун турмушимизда тўкин-сочинлик, фаровонлик, қишлоқларимиз обод, серфайз.

Менинг бахтли тақдирим истисно эмас, албатта. Халқимизнинг ажойиб мақоли бор: Томчида қуёш акс этади. Бугун совхозимизда, районимизда юзлаб хотин-қизлар халқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг олдинги марраларида бормоқдалар. Хотин-қизларимиз ўз бахтларини меҳнатдан, халққа, Ватанга хизмат қилишдан топмоқдалар. Узоққа бормай: онам Сафаргул кўп йил Оржоникидзе номли колхозда меҳнат қилдилар. Бу орада бирин-кетин фарзандларини камолга етказиб, Қаҳрамон она унвонига сазовор бўлдилар. Ҳозир ўша меҳнатлари эвазига пенсия олиб, кексаликни ҳузур-ҳаловатда ўтказмоқдалар.

Бугун хонадонларимизга алоҳида файз кирган. Бахти кулган аёлларни бутун эл-юрт муборакбод этмоқда, эъзозламоқда. Мен ҳам бор овоз билан: «Байрамингиз муборак, азиз замондошларим! — Бошингизда ҳамиша қуёш чақнаб турсин. Бахтингиз боқий бўлсин», дейман.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

*** Советлар мамлакатида оналар умумхалқ ардоғида. 350 мингдан зиёд кўп болали она «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган. Фақат сўнгги бир йилда деярли 14 минг онага бу фахрли унвон берилди. 5 миллионга яқин она «Оналик шуҳрати», деярли 12 миллион она «Оналик медали» нишондоридир.**

*** Қарийб икки миллион кўп болали она ой сайин давлат нафақаси олиб турибди.**

*** Ҳозир мамлакатимизда 132,8 минг мактабгача тарбия муассасаси бор. Уларда 16 миллионга яқин кичкинтой тарбияланмоқда.**

● Ўзбекистон халқ хўжалиги илғорлари ва новаторларидан 113 аёлга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилган.

● Республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасида юксак натижаларга эришган 70 мингга яқин хотин-қиз Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан тақдирланган.

● Уч мингдан кўпроқ хотин-қиз Ўзбекистон ССР Фахрий унвонларига сазовор бўлган.

● Қуёшли республикамиз хотин-қизларининг 178 вакиласи Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлигига сайланган.

● Қорақалпоғистон АССР Олий Советига депутатлари орасида 68 хотин-қиз бор.

● Республика маҳаллий Советларида 50 минг 883 хотин-қиз халқ депутати сифатида фаол иш олиб бормоқда.

● Республика коммунистларининг 26 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

● Хотин-қизлар фан ва маданиятни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар орасида 112 фан доктори, 3368 фан кандидати бор. 72 олимага академик, мухбир-аъзо, профессор, 941 олимага доцент унвонлари берилган.

● Ун ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаган 80 мингдан зиёд ўзбекистонлик она «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган.

БАЙРОҚДОР ХЎЖАЛИКЛАРДА

УМР МАЗМУНИ

Ҳар қандай бойликнинг асосий манбаи ҳалол меҳнат тарозисида ўлчанади. У билан дастурхон тўкин, у туфайли кўркамдир ҳаёт. Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхозга бир неча йил аввал келган киши хўжаликнинг ҳозирги қиёфасини кўриб таажжубланмасдан, бийдай чўлни ҳаёт бўстонига айлантирган чўлқуварлар меҳнатига таҳсин айтмасдан иложи йўқ. Замонавий уй-жой бинолари, ўнлаб маданий-маиший объектлар меҳнаткашлар ихтиёрида. Бундай фаровонликнинг боисини яна меҳнатдан излаш керак. Бугун ана шундай залворли меҳнатнинг фақат бир йилига якун ясалган кун. Колхоз ҳисобот йиғилишидан чиқаётганлар аксариятининг юзида табассум. Демак, уларнинг бир йиллик умри, фидокорона меҳнати синовдан яхши ўтган.

Ўтган йили хўжалик Сирдарё области колхозлари орасида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш плани ва социалистик мажбуриятини бажарди. 869 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Коммунистлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қозоқбой Ботиров, Исомитдин Шарофитдинов бошчилик қилган бригадалар аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Ундан ортиқ пахтачилик бригадалари йиллик мажбуриятларини аъло даражада уддаладилар. Оилавий пудрат ишларида, айниқса, қувончли натижаларга эришилди. Тўғри уюштирилган социалистик мусобақа пировард натижа учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

— Биз узоқ йиллардан буён қўшни Свердлов номли колхоз билан мусобақадошмиз, — дейди Куйбишев номли колхоз раиси Шавқиддин Мирзаев. — Еримиз мелиоратив ҳолати бир хил, шароитимиз, имкониятларимиз ўртасида ҳам деярли фарқ йўқ. Ҳар икки хўжалик пахтакорларининг зўр ғайрат билан ишлаши мусобақанинг амалийлиги, оммавийлиги ва таъсирчанлигини таъминламоқда. Агар ўтган йил якунларига назар солсак икки колхоз деярли бир хил натижага эришганини кўрамиз. Хўжалигимизнинг йиллик соф даромади 1 миллион 400 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир механизаторнинг ўртача ойлик иш ҳақи 342 сўмданга тўғри келди. Свердлов номли колхозда йиллик даромад деярли 1 миллион сўмга етди. Ҳар бир механизаторнинг ўртача ойлик иш ҳақи салкам 300 сўм бўлди. Бир сўз билан айтганда, социалистик мусобақа эришаётган барча муваффақиятларимизнинг ишончли гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

— Чиндан ҳам шундай,— суҳбатга қўшилади йиғилишда иштирок этган мусобақадош Свердлов номли колхоз партия комитетининг секретари Эргаш Тўраев.— Ҳар икки хўжалик ҳам мусобақа шартларига оғишмай амал қилиб, ишда салмоқли ютуқларга эришмоқда. Бунинг сабаби — ўзаро текшириш бригадалари фақат ишдаги камчиликларни аниқлабгина қолмасдан, балки уларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлларини ҳам кўрсатиб бермоқдалар. Танқиднинг ошкоралиги фойдаланилмай ётган резервларни топишда қўл келмоқда. Бизлар КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларида таъкидланган меҳнат унумдорлигини қўшимча 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини планга қўшимча ярим процент камайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга ошириш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиққанмиз. Уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳаммамизнинг шарафли бурчимиздир.

Ҳозир ҳар икки хўжаликда 1984 йил ҳосилига пухта замин яратилмоқда. Далаларга нормада белгилангандек маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқариб бўлинди. Ерга яхоб бериш тугалланди. Техника ремонти ниҳоясига етказилди.

Куйбишев номли колхоз ўтган йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга мушарраф бўлди. Юксак мукофотдан руҳланган колхоз меҳнаткашлари бу йил ҳам ўтган йилги меҳнат зафарларини зиёда қилиб такрорлашга азму қарор қилдилар.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Совет хотин-қизлари халқ хўжалигини юксалтириш, маданий қурилишнинг барча жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. [Чапдан биринчи суратда] Бувайда районидаги ип йигирув фабрикасининг илғор ишчиси коммунист Маҳбуба Тешабоева. У бир йўла уч дастгоҳни бошқариб мусобақада олдинда бормоқда. [Иккинчи сурат]. Андижон районидаги Охунбобоев номли совхоз сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Олмосхон Сўфиева ўз шогирдлари даврасида. [Учинчи суратда] — Нукус бирлашган касалхонаси болалар бўлимининг мудири Бибиойша Хўжамбергенова яқинда бўлиб ўтган сайловда СССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Т. Ҳамроқулов, Р. Ашуров, Ж. Жўраев ва М. Елеусинов (ЎзТАГ) фотолари.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ТИНЧЛИКНИНГ ТАҚДИРИ УЧУН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқи жаҳон жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди. Турли мамлакатларнинг таниқли сиёсий арбоблари, оммавий ахборот воситалари СССРнинг ташқи ва ички сиёсати принципиаллигини, давомийлигини, КПСС билан Совет давлати тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга азму қарор берганлигини таъкидламоқдалар. Совет Иттифоқи, деб уқтирилади матбуот шарҳларида, ер юзидаги барча давлатларни ядро урушининг олдини олишни ўз ташқи сиёсатининг бош мақсади деб билишга, қадам-бақадам, баб-баравар хавфсизлик принципи асосида ядро қуролларини қисқартиришга ва бора-бора бу қуролнинг ҳамма турларини батамом тугатишга эришишга чақирди.

Инсониятнинг ҳаётий манфаатлари ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар муайян нормаларга бўйсундирилишини талаб қилади, деб ёзади ЧССРдаги **«Руде право»** газетаси. — Совет Иттифоқи шу нормаларнинг моҳиятини аниқ ва равшан баён этиб берди, ядровий фалокат хавфини тугатиш, империализм бошлаган қуролланиш пойгасини жиловлаш — шу нормаларнинг моҳияти, ўзагидир. Давлатлараро муносабатларнинг шу кодекси қабул этилиши хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди, давлатлар ўртасидаги ишончни анча мустаҳкамлашга олиб борган бўлур эди.

К. У. Черненконинг нутқида тинчликка, ақл-идрокка, халқларнинг ишончли хавфсизлигини таъминлашга қудратли даъват янгради, дейилади Болгарияда чиқадиган **«Работническо дело»** газетасининг бош мақоласида.

Тинчликни кўз қорачиғидек асрайлик, деб Москвадан қилинган даъват ер куррасининг ҳамма қитъаларида эшитилди, деб ёзади Польшанинг **«Трибуна люду»** газетаси. К. У. Черненконинг қатъийлиги, вазминлиги ва реализми билан ажралиб турувчи нутқида КПСС билан Совет давлатининг Совет Иттифоқи мустаҳкам хавфсизлигини таъминлашга бел боғлаганлиги ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан узвий баҳамжиҳат бўлиб, шу мамлакатларнинг ҳам хавфсизлигини гарантиялашга, ядровий можаро чиқиш хавфини туғдирадиган аҳволга йўл қўймасликка, шундай хавф-хатар вужудга келган тақдирда эса ядро ёнғини чиқишига йўл бермаслик учун зудлик билан маслаҳатлашув ўтказишга қарор берганлиги алоҳида таъкидланади. Бу хусусда аниқ ва равшан таклифлар ўртага қўйилди.

Куба радио ва телевидениеси ўз эшиттиришларида совет раҳбарининг қардош социалистик давлатлар Куба халқини қатъият билан қўллаб-қувватлайдилар, деган сўзларини уқтириб кўрсатмоқдалар. **«Гранма»** газетаси К. У. Черненконинг «СССРга келганда у оссойишта кунларда ҳам, таҳликали дамларда ҳам Куба билан ҳамдам бўлиб келди, ҳозир ҳам ҳамдам ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади», деган сўзларни бўртириб эълон қилди.

Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг органи **«Нян зан»** газетаси К. У. Черненконинг нутқини Совет Иттифоқи изчил позицияси, холис нияти ва тинчликсеварлик сиёсатининг жуда ёрқин кўриниши, деб таърифлайди.

СССР Европани ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро куролидан халос қилиш тарафдори эканини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари таъкидлаб ўтди, деб ёзади Францияда чиқадиган **«Монд»** газетаси. Шу билан бирга у АҚШ бу мавзудаги музокараларни ташвиқот қуролига айлантириб юборганини ва бу найрангбозликда Совет Иттифоқи қатнашмаслигини айтди.

Япониядаги **«Токио симбун»** газетаси ўзининг редакцион мақоласида бундай деб ёзади: «К. У. Черненко ўз нутқида АҚШни яна космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида битим тузишга, химиявий қуролни батамом таъқиқлаш тўғрисида бир битимга эришишга чақирди. У ядро урушининг олдини олишга қаратилган таклифлар киритди, бу таклифлар ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг феъл-атвори нормаси бўлиб хизмат қилиши керак. Қўшма Штатлар Америка— Совет муносабатларини яхшилаш хусусидаги ўз даъватларини амалий ишлар билан тасдиқлаши керак».

Тинчлик ишини қадрловчи барча кишилар Совет Иттифоқининг ядровий давлатлар ўртасидаги муносабатларни ядровий можаронинг олдини олишни кўзда тутувчи муайян нормаларга бўйсундириш тўғрисидаги таклифини табрикламоқдалар, — деб ёзади Ҳиндистонда чиқадиган **«Таймс оф Индиа»** газетаси. Москва таклиф қилаётганидек, бу нормалар ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатларга қарши ядро қуролини ҳар қандай вазиятда ҳам ишлатмаслик мажбуриятини ҳам ўз ичига олиши лозим. Агар АҚШ СССРнинг Америка ва Совет ядро қуролларини ўзаро кўпайтирмаслик тўғрисидаги таклифини қабул қилганида эди, химиявий қуролни тўла-тўкис ва батамом тақиқлаш масаласи ҳал этилганида эди, Вашингтонда кейинги вақтларда берилаётган сулҳпарварлик баёнотларига бирмунча ишонч билан қараш мумкин бўлур эди.

(ТАСС).

ҲУҚУҚСИЗЛИК ИСКАНЖАСИДА

АҚШ президенти Р. Рейган шу йилнинг январь ойидаги «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисидаги мактуб»ида хотин-қизлар, болалар ҳақида анчагина чиройли сўзларни ёзган эди. «Оила, — деган эди у, — жамиятимиз асосининг асосидир, болалар тўғрисида қайғуриш айниқса муҳим. Биз, хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлашга жиддий киришамиз». Лекин америкалик хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволи қанақа?

АҚШ конституцияси аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини гарантияламайди. 1972 йилда конгресс жинсига қараб камситишни бекор қилиш тўғрисидаги тузатишни маъқуллаган эди. Бироқ, у ҳанузгача кўпчилик штатлар қонун чиқарувчи органлари томонидан тасдиқланганича йўқ. Рейган маъмурияти унинг ратификация қилинишига қарши чиқаётган бир пайтда у қандай тасдиқланиши мумкин?

Ҳозирги пайтда АҚШ аҳолисининг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин уларнинг атиги 12 процентигина штатларнинг қонун чиқарувчи органларидаги депутатлик ўрнини, сенатда эса атиги 2 процент ўринни эгаллаб турибди. АҚШ юстиция министрлигининг ходими Б. Хонеггер хоним маъмуриятнинг хотин-қизлар ҳуқуқига нисбатан муносабатига қарши норозилик билдириб, уни «шармандали ҳол» деб атади ва хизматидан истеъфо берди. Рейган Оқ уйга келганидан бери, деди у, — конституцияга бирорта тузатиш қилинмадигина эмас, ҳатто, хотин-қизлар ҳуқуқини у ёки бу тарзда таҳқирловчи 115 та федерал қонундан бирортаси ҳам бекор қилинганича йўқ.

Америка Қўшма Штатларида фақат айрим аёлларгина жуда катта куч-ғайратлар эвазига нисбатан юқори лавозимга эришадилар. Бундай ҳаракатлар эса хотин-қизларга эркакларга қараганда анчагина қимматга тушади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, раҳбар лавозимда ишлаётган аёлларнинг тахминан ярми турмуш қурмаган. Чунки, оила қуришга уларнинг вақти бўлмаган. Шундай категориядаги оилали эркаклар эса 96 процентни ташкил этади.

АҚШда болалар боғчалари ва яслиларининг қониқарли системаси йўқлиги, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳомиладорлик учун пулли отпуска олишга, янги туғилган болани тарбиялаш учун ишда вақтинча танаффус қилишга, фарзанд туғилиши муносабати билан вақтинча ишга чиқмаганлиги учун иш ўрнини сақлашни гарантияловчи ҳуқуқлари йўқлиги ҳамда медицина хизматининг ҳаддан ташқари қимматлиги ишловчи аёллар учун катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Америкалик иқтисодчи Ж. Миснернинг ҳисобларига кўра, бола туғилиши ва уни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ишдаги икки йиллик танаффус кўпинча аёлларнинг лавозимини пасайтиришга ёки даромаднинг ўртача 10 процентини йўқотишга олиб келади. Бунинг устига ишлаётган америкалик аёлларнинг иш ҳақи эркаклар иш ҳақининг атиги 58-59 процентини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, мақталган демократик жамиятдаги хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволини кўз олдимизга келтиришимиз қийин эмас.

Бу жамиятда ишсизликдан ҳам биринчи навбатда хотин-қизлар жабр кўрмоқдалар. Чунки, иқтисодий қийинчилик юз берди, дегунча биринчи навбатда хотин-қизларни ишдан бўшатадилар. Масалан, 1982 йилда Рейган маъмурияти томонидан ишдан бўшатилган федерал хизматчиларнинг ярмидан кўпи хотин-қизлар эди. Ҳолбуки, улар ҳамма ишловчиларнинг учдан биридан ҳам камини ташкил қилар эдилар.

Болали ёлғиз аёлларнинг аҳволи айниқса оғир. Бундай оилалар одатда расмий камбағаллик чизиғидан ҳам паст даражада кун кечирадилар. Расмий маълумотларга қараганда, Америка Қўшма Штатларида бундай оилалар бутун оилаларнинг 33 процентини ташкил этади. Пенсионер аёллар эса очликка маҳкумдир. Яқинда «Крисчен сайенс монитор» газетаси 72 яшар америкалик аёлнинг интервьюсини босиб чиқарди. — Ҳаддан ташқари тежаб сарфлаганда ҳам, — деб шикоят қилади пенсионер аёл, — нафақа 20 кунга зўрға етади. Қолган ўн кунда эса ейиш учун ҳеч нарса қолмайди. АҚШ президенти лавозимига номзод У. Мондейлнинг таъкидлашича, Америка Қўшма Штатларида камбағаллик борган сари кўпроқ «аёлларга хос» бўлиб қолмоқда.

Шунга қарамай, Рейган маъмурияти социал эҳтиёжлар учун камроқ маблағ ажратиш сиёсатини юргизмоқда. Бу билан у қуроляроғлар ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлашни таъминламоқда. Бугунги кунда АҚШдаги хотин-қизларнинг кўпчилиги қуролланиш пойгасининг оғир юки улар елкасига тушаётганини яхши ҳис қилмоқдалар. «Нью-Йорк таймс» газетаси ёзганидек, Америка хотин-қизлари Рейган маъмуриятининг уруш хавфини кучайтираётганидан хавфсирамоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бундай сиёсатни кескин қораламоқдалар.

И. ВЛАДИМИРОВ,
(АПН).

ЖИДДИЙ ЗИДДИЯТЛАР

БРЮССЕЛЬ. Бу ерда қишлоқ хўжалик министрлари иштирокида Европа иқтисодий ҳамжамияти Министрлар Кенгашининг сессияси очилди. Сессия кун тартибига 1984—1985 йилларда деҳқончилик маҳсулотига харид нархларини белгилаш ва ҳамжамиятнинг ягона қишлоқ хўжалик сиёсатини ислоҳ қилиш масаласи қўйилган.

Шу проблемалар хусусида бундан илгари бўлиб ўтган ҳамма музокаралар «Умумий бозор» мамлакатлари ўртасида мавжуд келишмовчиликлар туфайли ҳеч қандай натижа бермаган эди.

Мамлакатларнинг «Умумий бозор» бюджетига тўлайдиган бадалларини қайта тақсимлашга доир бошқа бир қанча масалаларда ҳам Европа иқтисодий ҳамжамияти айрим иштирокчилари ўртасида ғоят жиддий ихтилофлар сақланиб қолаётганлиги муносабатларни янада чигаллаштирмоқда. (ТАСС).

СУРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАМАШҚ. АҚШ билан Исроил Ливанга тиқиштирган шартноманинг бекор қилиниши Ливан халқининг, Сурия халқининг ва барча арабларнинг ғалабасидир. Сурия президенти Ҳафиз Асад телефон орқали ўзаро суҳбатида Ливан президенти Жмайелга шундай деб айтганлигини САНО ахборот агентлиги хабар берди. Сурия, деб таъкидлади Асад, Ливаннинг мустақиллик ва суверенитет йўлидаги курашини қўллаб-қувватлайди.

Милитаристик планларга қарши

ЛИССАБОН. Американинг янги ядровий ракеталари Ғарбий Европадаги бир қанча давлатлар территориясида жойлаштирила бошланганлиги муносабати билан жаҳон ҳарбий фалокат ёқасида турибди, деди Португалия хотин-қизлар демократик ҳаракати миллий секретариатининг аъзоси И. Виейра.

У ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида империализмнинг милитаристик планларига қарши кураш ҳеч қачон ҳозиргидек муҳим вазифа бўлиб қолгани йўқ, деб таъкидлади. Португалия хотин-қизлари, деди И. Виейра, Америка атом сув ости кемаларининг Лиссабон портига киришига қарши, Португалиянинг ва бутун Пиреней ярим оролининг ядросиз зона, деб эълон қилиниши учун тобора актив курашади. (ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Я. КАДАР ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БУДАПЕШТ. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар дўстона визит билан бу ерга келган ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, ЧССР ҳукумати раиси Л. Штроугални қабул қилди. Ўртоқларча самимий вазиятда ўтган суҳбат давомида халқаро аҳволнинг муҳим масалалари ҳамда ВХР билан Чехословакия ўртасида сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Томонлар Венгрия билан Чехословакия ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиши иккала халқ ўртасида дўстлик ва ўзаро ишончни чуқурлаштиришга самарали ҳисса бўлиб қўшилади, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар. Шунингдек, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети раиси Д. Лазар билан Л. Штроугал ўртасида ҳам музокаралар бўлиб ўтди. Экономика соҳасида интенсив ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ишлаб чиқаришни кооперативлаш ва ихтисослаштиришни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш учун қулай шароит мавжуд эканлиги таъкидланди.

(ТАСС).

ЛОНДОНДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ЛОНДОН. Бу ерда Англия бош министри Маргарет Тэтчер билан Франция президенти Франсуа Миттеран ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Суҳбатларнинг мазмуни тўғрисида расмий ахборот эълон қилинмаган бўлсада, маҳаллий сиёсий обзорчилар музокараларда асосий гап Европа иқтисодий ҳамжамиятининг давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари иштирокида 19—20 мартга белгиланган сессияси муносабати билан «Умумий бозор» проблемалари тўғрисида борди, деб ҳисобламоқдалар.

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг ўтган йил декабрь ойида Афинада олий даражада бўлиб ўтган учрашувида муҳокама қилинган ҳамма масалалар, шу жумладан «ўнлар» хазинасига Англиянинг бадал тўлаши проблемаси ҳал қилинмай қолган эди. Бу масала кўп вақтдан буён ҳамжамиятни ташвишлантириб турибди. Лондон ўз бадалини «ҳаддан ташқари кўп» деб ҳисоблаб, уни тез орада қоплашни эмас, балки қисқартиришни ҳам талаб қилмоқда.

Франция ҳозир Европа иқтисодий ҳамжамияти раҳбар органларида раислик қилаётганлиги муносабати билан Миттеран Англия билан ўзаро келишувга эришишга интилмоқда. Аммо Англия билан Франция ўртасидаги ҳозирги музокаралар шундай ўзаро келишувга эришилади, деб фараз қилиш учун имкон бермайди. (ТАСС).

МАРТ

Биз меҳрибон оналарга чуқур ҳурмат туйғуси билан мурожаат этамиз. Сизлар фарзандларни социалистик Ватаннинг онгли, меҳнатсевар гражданлари қилиб вояга етказяпсизлар, ёшларни юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаяпсизлар. Ёш авлоднинг биринчи мураббияси бўлган бебаҳо олижаноб меҳнатингиз учун бутун халқ номидан сизларга раҳмат айтамиз!

ШОИРАЛАР ДАФТАРИДАН

ОНАЖОНИМ

Онажоним...
Кўзларингизда
Куннинг нафаслари бор эди.
Онажоним... юзларингизга
Ойнинг ҳаваслари бор эди.
Онажоним... Сиз билан
жаҳон
Беҳиҳулдай ифорли эди.

Тунлар ойдин, кунлар
шодмон,
Шабадалар дуторли эди.
Тушларимга кириб чиқасиз,
Сочларимни ўриб чиқасиз.
Енгларингиз елпиб бир
майин
Оромимни кўриб чиқасиз.

Талпинаман, қучсайдим қани!
Соғинчлардан қочсайдим
қани!
Кўз ёшларим гулга айланар,
Пойингизга сочсайдим қани!
Онажоним...

Ойдин ҲОЖИЕВА.

ЎҒЛОН

Тоғлар бошидан бирдан гумбирлаб кетди,
Қояларга урилди шекилли чақин.
Сергакланиб оқу чопқиллаб ўтди,
Борлиқ дард чекмоққа бошлади тағин.

Тоғ бошидан етиб келди садолар,
Гумбир- гумбирлари тутди жаҳонни.
Бир хабарни шивирлади саболар,
Туғилди дер сени — жажжи ўғлонни.

Сен шундай дунёга келдинг болажон,
Дунёга келдилар тонглар, аллалар...
Шоир эди, мусаввирга айланди бу жон,
Дафтаримда ранглар оппоқ шўълалар.

Чеҳрангда борлиқнинг минг ранги,
Бир турфа сувратки чизаман,
Кўнглим ҳам осмондир, ҳув янги
Қамарга қўлимни чўзаман.

Ой чиқар... сайрини бошлабди,
Фонарлар ёқибди юлдузлар.
Кумушдайин нурдан тикай чойшаблар,
Офтобга чўмилгин кундузлар.

Қошингда парвонанг — биз, мана!
Бири мен — умрбод фидойинг.
Бири сен — ўғилга ташқи дунё-ю
Бири инсонпарвар замона.

Уч она, уч севги, уч сийна.
Уч фидо; уч нидо қошингда
Сен учун тоғда қор, қирларда ғалла,
Қуёш ҳам меҳнатда бошингда.

* * *

Она ҳусни улашди болаларига
Эвазига сўради жиндек фидоликни.
Рангин улашди у гул-лолаларига,
Жонин тикди кўрса жудоликни.

Ақл-идрок улашди, бардошни бўлишди,
Кўҳналикнинг китобини варақлаб.
Фарзандлари юлдуз-ойдай тўлишди,
Она қуёшдай ботди, чикди яна чарақлаб.

Бор меҳрини улашди жигарпораларига,
Одамларнинг дилига болам етиб олсин, деб.
Кўз нурини берди, турмуш чорраҳаларига,
Қоронғу гўшаларга нигоҳ солсин, деб.

Кучин-қувватин берди қўш-қўллаб,
Ниҳолларим ҳосилга кирсинлар, дея,
Болаларин катта ҳаётга йўллаб,
Боқса, сунбул сочлар оқарибди-я.

Она вужудини берди боласига
Ўзига олиб қолмади у заррани.
Болалар чопиб кетдилар ўз боласига,
Онага тутқазиб асони, дурани.

Эътибор ОХУНОВА.

ОПА-СИНГИЛЛАР

Уч опа-сингил эдик.
Ҳаркирдай кўнгил эдик.
Бир узукнинг уч кўзи,
Осмоннинг уч юлдузи.

Онамизга суюнчи,
Уч болиш, уч суянчиқ.
Кўп эмас кўйлагимиз,
Мўл эди тилагимиз.

Шоҳиди гувоҳ эдик,
Бир камзилу, бир этик.
Уч қиз кўрардик баҳам,
Уруш этди бошни ҳам.

Эсди осуда нафас,
Ясам-тусан кун келди.
Гулзорга пиёз эмас,
Ўсмаю гул экилди.

Уч қизда уч ҳаяжон,
Қалбига тўлди маржон.
Дердик ўқиб, ўқитсам,
Меҳнатдан бахт тўқисам.

Бир кўз очиб-юмгунча
Кафтдай очилди ғунча:
Дилда қолмади армон,
Ошилди уч тоғ, довон.

Болалик қолиб кетди,
Имгитлар олиб кетди.
Учиб кетдик ҳар томон,
Бўм-бўш қолди ошиён.

Учовлон уч ўчоқда,
Гулхан ёқдик уч ёқда.

Гулчеҳра ЖУРАЕВА.

УРУШ ОЛОВИНИ ЁҚУВЧИЛАРГА

Қалбларимиз сирга тўла, кашф этамиз мўъжиза,
Яхшиликни, ёмонликни кашф этар ҳам ўзимиз.
Кашф этолмай қолсак магар ўз-ўзимиз баъзида,
Сирларимиз кашф этажак дил ойнаси — кўзимиз.

Қалбларимиз қоғозига сирлар тушади қат-қат,
Кошки эди бу сирларни ўчира олсак секин.
Қай йўсинда сир бўлмасин изи қолади ҳар вақт,
Қай йўсинда бу сирларни ўчириб ташлаш мумкин!!

Зотан, тарих дарахтида қуйилиб ётар сирлар,
Тафаккурнинг болғасида чақилиб борар фақат.
Вақт отин туёғидан чақнаб кетса асрлар,
Сир рангида ўтиб борар қанча шумлик, қабоҳат.

Сир ўйини бошлангандир шоҳ Эдип қисматидан,
Балки, ундан илгари ҳам кўп сирлар кўзни ўйди.
Дездемона бевақт сўлди Яго қабоҳатидан,
Шоҳ Улуғбек очган сирга қора сирлар ўт қўйди.

У сирлар-ку, замон зайли, тарих нусхи аслида,
Лекин унинг қора изи — тавқи лаънат дейдилар.
Коммунистик эътиқодлар мавж урган гул фаслида
Қалбимизда қора сирга нечун ўрин қўйилар!!

Космос сирин очган даҳо, тафаккурга мангу шон,
Қўрқларнинг тилсимига калит топган онг-шуур.
Буюкликни кашф этишга қодир хазрати инсон —
Қора сирни кашф этиши менга оғир туюлар.

Нечун энди бизлар бефарқ қараб турамиз бу чоғ,
Давримизда бу икки хил сирлар турса ёнма-ён.
Эътиқодинг соғломмикан, замондош, қалбингга боқ,
Қора сирни ўчирмоққа кўтарайлик биз исён!

Малика МИРЗАЕВА.

ТОШКЕНТ АҲОЛИСИ ИККИ МИЛЛИОН КИШИ БЎЛДИ

Ўзбекистон пойтахтида халқаро хотин-қизлар куни 8 Март арафасида шонли воқеа юз берди — шаҳарда икки миллионинчи гўдак туғилди.

Бундан фахрланган ота-оналар қизалоққа Саодат деб исм қўйишди.

... Абу Али ибн Сино номли биринчи шаҳар клиник касалхонаси туғруқхона бўлимининг озода ва шинам палатаси. Бизлар обдон санитария кўригидан ўтгач, палатага киришга рухсат олдик.

Янги туғилган чақалоқнинг онаси Дилбар Дадахонова чеҳрасида табассум. Саодат — оилада иккинчи фарзанд. Тўнғич қиз Гўзал — икки ёшда.

Ёш оила бахтиёр ва аҳил яшайди. Илҳом «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери бўлиб ишлайди. У бундан ўн йил илгари Беруний номли Тошкент политехника институтини тамомлаб, бирлашмага ишга келди. Унга топширилган участкада тўла тартиб ўрнатилган: план оширib бажарилади. Фақат юқори сифатли маҳсулот чиқарилади.

Дилбарнинг ўзи эса Ўзбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасида тикувчи-моторист бўлиб ишлайди. У ҳам ишлаб чиқариш илғори.

Иккаласининг ҳам маоши яхши. Уйда ҳамма нарса — мебель, радио, телевизор бор, хуллас барча зарур нарсалар дид билан танланган. Квартира бир оз торлик қилади Ёш оила уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида ариза бериб қўйишган, шаҳар ижроия комитети ҳозир бу масалани ҳал этяпти.

Болаларни эмизадиган вақт бўлди. Энага палатага янги туғилган чақалоқлар солинган коляскани олиб киради. Саодат уч килограмм 600 грамм вазнда туғилди. Гўдакнинг отаси барваста. У илгари волейболчи бўлган. Илҳом ҳозир ҳам бўш вақтларида бажонидил физкультура ва спорт билан шуғулланади.

— Фарзанднинг дунёга келиши ҳамиша жуда катта қувонч, — деб жилмаяди Дилбар. — Лекин бизнинг оиламиз учун гўё бугун икки миллион мартадан ҳам қувончлироқдир. Чунки, Саодат Ўзбекистон гўзал пойтахтининг икки миллионинчи граждани бўлди. Бизлар унга бежиз Саодат деб ном қўймадик — қизимизнинг истиқболи порлоқ бўлишига аминмиз. Меҳнат аҳли тўғрисида, ҳар бир оила тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилинаётганлиги учун партия ва ҳукуматимиздан миннатдормиз. Мана шу қувончли кунда КПСС ва Совет давлати раҳбарларига уруш хавфининг олдини олишга қаратилган куч-ғайратлари учун алоҳида ташаккур изҳор қилгим келади. Биз оналар учун «тинчлик» сўзидан қимматлироқ сўз бўлиши мумкин эмас.

Икки миллион аҳолиси бўлган дўстлик шаҳри, қуёшли республика пойтахти Тошкентнинг кўркига кўрк қўшилмоқда. Тошкент туғилиш жиҳатдан кўп йиллардан бери мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келади. Бу ерда келгусига ишонч билан назар ташлаётган, улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан бораётган ажойиб кишилар яшаяптилар. Дилбар ва Илҳом Дадахоновлар сингари минг-минглаб меҳнаткашлар КПСС XXVI съезди ўртага қўйган иқтисодий ва социал ривожланиш улуғвор программасини амалга оширмоқдалар.

Вақт келиб Саодат, унинг тенгдошлари ҳам меҳнаткашлар умумий сафига келиб қўшиладилар. Биз шуни яхши биламизки, ўша пайтда атрофдаги ҳамма нарса янада гўзал бўлади. Шунинг учун, ер юзида тинчлик ва миллион-миллион кишиларнинг бахт-саодати учун ишлаяпмиз ва ижод қиляпмиз. Ҳозир эса болалигинг бахтиёр бўлсин, гўдак, деймиз.

И. АЛИМОВ.
ЎзТАГ мухбири.

Суратда: туғуруқ бўлимининг катта медицина ҳамшираси Мубира Хўжаева, медицина ҳамширалари Умринисо Қўчқорова, Машкура Азимжонова ва Дилбар Дадахонова чақалоғи Саодат билан.

А. Кошкин ва А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

«Эрнст Тельман. Биография» деб аталган китоб босмадан чиқди. Китобда немис ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати атоқли арбоби, империализм ва фашизмга қарши букилмас курашчи, Германия Коммунистик партияси Раиси Эрнст Тельманнинг ҳаёти ва кураши тўғрисида ҳикоя қилинади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

СПОРТ

ҚАҲРАМОН ҚИЗ ХОТИРАСИ

Жасур разведкачи Майна Ҳасанованинг юрти — Ғузор шаҳри ўзига хос байрам тусини олди. Бу ерда хотин-қиз спортчилар ўртасида енгил атлетика бўйича анъанавий кросс бўлиб ўтди. Халқаро хотин-қизлар байрами 8 март арафасида ўтказилган бу мусобақада 130 га яқин спортчи стартга чиқди. Улар шаҳар, район ва область мусобақаларида муваффақият қозониб, совриндорлик бағсининг финалига йўлланма олган югурувчилар эди.

Мусобақада Андижон ва Самарқанд областларининг вакиллари ғолиблик кўрсатдилар. Минг метрга югуришда навоийлик Марям Юнусова уч минут 10 секундли натижа билан ғалаба қозонди. 1500 метрли масофада эса андижонлик Мунира Хонбекова маррада биринчи бўлди. Қизлар баҳсида спорт мастери Ирина Матросовага бас келадиган спортчи топилмади. У икки километрга югуришда 6 минут 8 секундли натижа билан ғалаба қозонди. Уч километрга ўтказилган мусобақа ҳам қизиқарли бўлиб, фарғоналик Таня Алексеева ғолиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Умумкоманда ҳисобида андижонлик спортчилар биринчи, Самарқанд ва Наманган области вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● **КУРАШ.** Қаршида классик кураш бўйича ўтказилган республика биринчилигида «Меҳнат резервлари», «Спартак», «Ёш куч» командалари фахрли ўринларни эгалладилар. Шахсий ҳисобда спартакчи Б. Жўраев , «Меҳнат резервлари» вакили Д. Сулаймонов, «Ёш куч» аъзоси А. Алиев, пахтакорчи И. Свиделлар муваффақият қозондилар.

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Швецияда ўтказилган Европа қишки чемпионатида тошкентлик С. Ловачёв 400 метрга югуришда [46,72 секунд] ғалаба қозонди. Москвада эса «Буревестник» аъзолари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида фарғоналик Л. Кирюхина 800 метрли масофага югуришда 1 минут 59,2 секундли натижа билан ғалаба қозонди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 10 мартда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РАССОМ ХАНДАЛАРИ

Изоҳга ҳожат йўқ.

— Жуда соз, ҳали меҳмонлар келишганида шу гуллар билан сени табриклайман, хотинжон...

— Онаси сенга ёрдам бўлар деб болани ўзим чўмилтираётгандим.

А. Холиқов ва М. Унгаров чизган расмлар.

Китоб жавонингизга

Халқлар Дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриётининг нашрлари

И. РАҲИМОВ, «Яккалик, хусусийлик ва умумийлик».

Мазкур рисолада материалистик диалектика категорияларидан яккалик, хусусийлик ва умумийликнинг ўзаро диалектикаси, уларнинг билиш жараёнидаги роли ҳамда социалистик қурилишдаги аҳамияти КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида ҳозирги замон фан ютуқларидан фойдаланилган ҳолда оммабоп тарзда баён қилинган.

И. ЖАББОРОВ, «Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб»

Китобда совет кишилари моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий формаларидан оилавий-маиший муносабатларни янада ривожлантириш, диний сарқитларга барҳам бериш, коммунистик ахлоқни шакллантириш, янги прогрессив урф-одат ва маросимларни ҳаётга жорий этиш сингари масалалар ҳақида фикр юритилган.

«КОСМОС - 1541» УЧИРИЛДИ

1984 йил 6 март куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1541» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

Фан ва техника янгиликлари

ЧЎЛ АСФАЛЬТИ

Каспий бўйининг транспорт йўли қурувчилари яқин келажакда автомобиль йўлларини ётқизиш ва уларни ремонт қилишда асфальт ишлатишга эҳтиёж қолмайди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг бундай дейишлари бежиз эмас — Қозоғистон ССР Фанлар академияси нефть ва табиий газ химияси институтининг олимлари таклиф этган бирмунча арзон ва пишиқ йўл қоплама-си тобора кўпроқ қўл келмоқда. Ер юзига чиқувчи маҳаллий конларнинг нефть битум жинслари ҳамда Октябрь революциясининг 50 йиллиги номли Гурьев химия заводининг полипропилен ишлаб чиқариш чиқитлари унинг асосий компонентларини ташкил этади.

Асфальт чўлга унча тўғри келмайдиган материал бўлиб чиқди. Тупроқда ва атмосферада минерал тузларнинг ортиқчалигидан, мавсумлар ўртасида ҳароратнинг кескин ўзгаришларидан у уваланиб нетади ва ётқизилганидан биринки йил ўтгач, кўпчийди. Асфальт йўллар қуриш ва уларни ремонт қилиш учун карьерлардан шағал келтириш ҳам арзонга тушмайди.

Шундай қилиб, изланишлар натижасида ўзига хос нефть битумли бетон яратилди. Уни тайёрлаш учун табиий битумга ботириб олинган яроқсиз жинсни озгина полимер қўшимча билан аралаштириш керак, холос. Яқин вақтларгача полипропилен ишлаб чиқариш чиқитлари деб ҳисобланиб келган модда майдаланган жинс зарраларини маҳкам плёнка тарзида ўраб олади. Шундай модда қопланган йўл жазирама иссиққа ҳам, қаҳратон совуққа ҳам бардош бераверади. Янги қопламали биринчи район трассаси ишга туширилган кундан бери қариб уч йил ўтган бўлса-да, унинг юзида биронта ҳам ўнқир-чўнқир жой йўқ. Автомобиль йўлининг юзи текис бўлиб қолди.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да Байрам концерти, 9/III да Наврўз.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/III да Келинлар кўзголони (12.00), Олтин девор (19.30), 9/III да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/III да Байрам концерти, 9/III да Хотинимнинг эри.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Экзотик фантазия» аттракционининг хайрлашув гастроллари, Ургатилган гамадриллар группаси (8/III да 12, 15.00 да; 9/III да 12, 15, 18.00 да).

М. Т. ОЙБЕК НОМИДАГИ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар (фан доктори, профессор ва доцентлар): философия ва илмий коммунизм, факультетлараро рус тили кафедраси, ўзбек адабиёти, инглиз тили кафедраси;

кафедралар бўйича доцентлар: СССР тарихи, КПСС тарихи, философия, ўзбек тилшунослиги, педагогика, математика;

катта ўқитувчилар (фан кандидатлари): ўзбек тилшунослиги (2 ўрин), биология (дарвинизм ва генетика), биология ўқитиш методикаси, математика (математик анализ, алгебра ва сонлар назарияси), математика ўқитиш методикаси, немис тили, форс тили, биология (чорвачилик асослари), биология (ботаника);

ўқитувчилар: ўқитишнинг техник воситалари (2 ўрин), ўзбек тилшунослиги, КПСС тарихи, философия (2 ўрин), назарий физика (2), геометрия, инглиз тили, немис тили, рус тили, биология, педагогика (2).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Аризалар қуйидаги адресга юборилсин:: 732011, Термиз шаҳри, Фрунзе кўчаси, 43-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ Ш. А. АЛИМОВ НОМИДАГИ СИЛ КАСАЛЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА — фтизиатрия бўйича (кундузги ва сиртқи);

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА — фтизиатрия ва пульмонология бўйича,

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

Мурожааат учун адрес: Тошкент шаҳри, Алимов кўчаси, 1-уй, илмий қисм. Телефон: 78-04-92.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИДАГИ ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДА

5 ТОМДАН ИБОРАТ

«ГОРНАЯ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ» КИТОБИГА

ОБУНА БОШЛАНДИ

Обуна пайтида 13 сўм бай пули тўланади.

Энциклопедия тоғ инженер-геологлари, нефтчилар, кўмир қазиб олувчилар, тоғ техниклари ва юқори малакали ишчилар учун мўлжалланган.

Мазкур нашрдан аралаш касбдаги мутахассислар: геологлар, географлар ҳамда иқтисодчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Энциклопедия нашрига чекланмаган миқдорда обуна қилинади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 МАРТ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Молдаван гобелени. 10.10 — Бугун халқаро хотин-қизлар куни. 10.55 — Оналаримизни қутлаймиз. 11.30 — Футбол: УЕФА кубоги. Андерлехт (Бельгия) Спартак (Москва). 13.00 — Шоирлар ўз шеърларини ўқийдилар. 13.30 — Рус жилолари. 14.30 — Дунё воқеалари. 14.45 — Футбол бўйича кубог эгаларининг кубоги. Порто (Португалия) — Шахтёр (Донецк). 16.15 — Юз қувонч ёки, буюк кашфиётлар китоби. Бадиий фильм. 17.20 — Цирк майдонида. 18.25 — Фильм-концерт. 19.05 — Мультфильм. 19.30 — Баллы, қизлар. 21.30 — Время. 22.00 — Байрам концерти. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.15 — Ф. Шопен асарлари. 10.50 — Оила ва мактаб. 11.20 — Мультфильмлар. 11.50 — Дўстларимиз премьералари. 12.20 — Буюк халқ ҳақиқати. 13.15 — Саёҳатчилар клуби. 14.15 — Донолик алифбеси. 15.20 — Останкино концерт студиясида шоира Ю. Дрюнина билан учрашув. 16.40 — Сахий оқшом. 17.00 — Тўпли хоккей: «Динамо» (Москва) — Динамо (Олмаота). 17.50 — Ўз ҳисобидан отпуска. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 20.00 — Қўшиқдан рақсга. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Аёллар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Мультфильм. 10.40 — Фильм-концерт. 11.40 — Телефильм. 12.00 — Иқбол. 13.30 — Садоқатни синаш. Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ҳар доим бўлсин онам! 18.45 — Байрам аёёмида чеҳралар гулгул. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гулшанаро гулчеҳралар. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро хотин-қизлар куни —8 Мартга бағишланган байрам концерти.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Баҳор тароналари. 18.10 — Қайнона. Бадиий фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қўшиқлар, рақслар, ҳазиллар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аёллар, Сизлар учун. 21.30 — МОСКВА-II.

9 МАРТ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Жаҳон халқларининг ижоди. 10.05 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Будильник. 11.00 —Ҳужжатли фильм. 11.20 — Гагарин юлдузлар туркуми. 11.35 — Оила ва мактаб. 12.05 — Норвегия бўйлаб. 13.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 14.20 — Спорт ва музика. 14.50 — Москвичка. 16.20 — Сиз бунга қодирсиз. 17.05 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 17.35 — Халқ куйлари. 17.50 — Ҳамдўстлик. 18.20 — Эстрада ва цирк артистлари иштирокида музикали кўрсатув. 19.00 — Ю. А. Гагарин туғилган кунининг 50 йиллигига. 19.45 — Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Музика ҳамма учун. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.15 — Физкультурачиларга маслаҳатлар. 9.30 — Ҳужжатли фильмлар. 10.05 — Тонгги почта. 10.35 — Объектив. 11.05 — Қозоғистон телевидениесининг программаси. 12.35 — Даллас жумбоқлари. 13.35 — Концерт. 14.05 — Разведкачининг жасорати. Бадиий фильм. 14.35 — Саратов каштаклари. 15.45 — Биз БАМни қурямиз. 16.15 — Мультфильм. 16.25 — Ёш келин-куёвлар ҳақида қисса. Телеспектакль. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Музикали киоск. 19.45 — Здоровье.. 20.45 — Халқаро обзор. 21.00 — Кўклам қалдирғочлари. Сувга сакраш бўйича халқаро мусобақалар. 21.30 — Время. 22.05 — Бир кун ва бир умр. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20—Оляга аталган гуллар. Бадиий фильм. 11.45 — Мультфильм. 12.00 Қувноқ стартлар. 12.55 — Ҳужжатли телефильм. 14.10 — Ижод саҳифалари. Т. Шевченко. 14.40 — Фильм-концерт. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ўйлаб топ. 18.45 — Фильм-концерт. 19.10 — Киносаёҳатчилар альманахи. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Аёл қалби наволари. Музикали программа. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аёл қалби наволари. (давоми). 21.30 —Время. 22.05 — Эртага , — премьера. 23.15 — Футбол. СССР — Болгария.

ТОШКЕНТ-II. 18.00 — Телефильм. 18.10 — Сепсиз қиз. Бадиий фильм. 19.30 — Ахборот. 20.15 — Йил бўёқлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Баҳорнинг узун куни. Телефильм. 21.30 — МОСКВА-II

РАДИО

8 МАРТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.10 — Айёмингиз муборак, азиз хотин-қизлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Баҳор тароналари. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Малшы. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 16.00 — Ёшлигимга ошно оҳанглар. 17.00 — Ёшлик. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 19.25 — Юнэсть Узбекистана. 21.00 —Чинакам ва сохта тенг ҳуқуқлилик. 21.10 — Оналарни ардоқланг. 21.30 — Ленин берган саодат. 22.30 — Сизлар учун, азиз хотин-қизлар. 24.00 — Хайрли тун.

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Р. 07134. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 60. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12